

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛИК ИЖОДИЁТИДА МИЛЛИЙЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Базаров Мирзохид Мирзабахром ўғли**

*Андижон давлат педагогика институти*

*“Муסיқа таълим” йўналиши ўқитувчиси*

[mirzohidbazarov@gmail.com](mailto:mirzohidbazarov@gmail.com)

**Аннотация:** *Мазкур мақола “Ўзбек композиторлик ижодиётида миллийлик масалалари” мавзусида бўлиб, унда Ўзбекистон композиторларининг яратган асарлари, ундаги миллий оханглари ифода этадиган ранг-баранг бўёқлар, Асарларни миллий оханглари билан янада бойитиш учун симфоник оркестр таркибига бир нечта миллий чолғуларни киритиш ва уларнинг ўзига хослигини очиб бериш, баён қилинаётган мавзунинг мазмун-моҳиятини турли хил усуллар билан ифода этиш, оркестр фактураларини кенг қўллашда композитор томонидан алоҳида мукамал билим ва кўникмалар билан очиб берилганлигини илмий-назарий таҳлил қилинган.*

**Калит сўзлар:** *Ўзбек муסיқаси, композитор, миллийлик, санъат, муסיқий асар, Чолғу ижрочилиги, симфоник оркестр, муסיқий шакл.*

XX асрнинг 30-йиллари – ушбу даврда ўзбек композиторлик ижодиёти эндигина вужудга келаётган давр бўлган. Бунда В.Успенский, А.Князевский, Л.Степанов каби рус композиторлар ўзбек муסיқаси ва кино соҳасида ижод қилган илк композиторлар ҳисобланади. Бу давр композиторлар учун янги ижодий қадам бўлиб, асосан хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган ижодкорлар ўзбек муסיқасига улкан ҳисса қўшиш билан бир қаторда кейинги авлод учун бебаҳо намуналар қолдиришди. Айнан шу давр илк ўзбек муסיқасининг кейинги босқичига пойдевор бўлиб хизмат қилди.

XX асрнинг 40-йилларида М.Ашрафий, Т.Жалилов, Т.Содиқов, А.Козловский, Р.Глиэр сингари бир қатор йирик композиторлар илк бор киномуסיқа соҳасига кўл уришди. Улар кино учун оригинал муסיқалар яратишган бўлиб, асарлар асосан симфоник оркестр ижроси учун мўлжалланган. Шу билан бирга, муסיқани ёзишда композиторлар ўзбек халқ куй-қўшиқларидан, фольклор намуналаридан ҳам фойдаланишган.

XX асрнинг 50 – йиллардан бошлаб ўзбек музыкаси тарихида жуда кўплаб ўзгаришлар юзага келди. Энг аввало симфоник музыка ривожидида катта силжишлар рўй берди. Ўзбек музыкасининг янги тараққиёт босқичи даври бўлди. Бу даврда кўпроқ тарихий-биографик мавзуга асосланган музыкалар яратилди. Мазкур йилларда Г.Мушель, М.Бурхонов, Д.Зокиров, И.Акбаров, каби композиторлар сермахсул ижод қилишди. Бу даврда яратилган музыкалар симфоник оркестр учун яратилган бўлиб, ўзининг ноёб оригиналлиги билан ажралиб туради. Сифат даражасининг юқорига кўтарилиши кузатилади. Симфоник музыкани ривожлантиришда кўпгина композиторлар ўз ҳиссаларини қўшишди. Симфоник музыканинг жанр чегаралари кенгайиб, унинг барча турлари – сюита, увертюра, поэма, концерт, симфония каби турларига композиторлар томонидан мурожаат этила бошлади.

Ўзбек композиторлари поэма жанрининг хилма-хил турлари (поэма-баллада, поэма-рапсодия, музыкаий картина)да самарали ижод қилишган. Поэмалардаги мавзулар ҳам хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бу поэмаларда миллий мавзуйлик (И.Акбаровнинг “Шоир хотираси”, Д.Зокировнинг “Ҳамза”, А.Козловскийнинг “Ҳиндча поэма”лари), миллий байрамларни акс эттирувчи асарлар (С.Юдаковнинг “Хорезмское праздничное шествие”, С.Бобоевнинг “Байрам куни”, А.Козловскийнинг “Тантана”), ёшликни тараннум этувчи (С.Юдаковнинг “Ёшлик поэмаси”, Х.Раҳимовнинг “Ёшлик”) поэмалар, халқ эпослари образларига бағишланган (Ғ.Қодиров “Поэма-баллада”, И.Акбаров “Эпик поэма”, М.Ашрафий “Темур Малик”) поэмалар, шунингдек, ўз кечинмаларини тасвирловчи (С.Юдаковнинг “Поэма-рапсодия”) каби поэмалар яратилди.

Симфоник музыканинг поэма жанрида дастурлилик кўриниши кенг қўлланила бошланди. Энг аввало поэма жанрининг ўзи ҳақида қисқача маълумот келтириб ўтсак. Поэма – лирик-драматик ёки лирик-хикоявий характерга эга ҳамда эмоционал жўшқинлик билан суғорилган эркин шаклдаги музыка асари. Одатда, фортепиано ёки скрипка, виолончель каби торли-камонли чолғулар учун яратилади. Симфоник поэма – муайян мавзу ёки сюжетга асосланган бир қисмли симфоник асар. Ўзбекистон композиторларидан Д.Зокиров, М.Ашрафий, И.Акбаров, С.Юдаков, С.Бобоев, А.Козловский, М.Тожиев ва бошқалар турли мавзуларда, муайян дастурли ва эркин шаклларда поэмалар ижод қилганлар. XX аср ўзбек музыкасида поэма ёки поэма сифат асарлар кўплиги – миллий бадий мерос, мушоҳадали музыкаий-ижодий тафаккур, қолаверса, ўзигагина хос менталитет билан боғлиқ.

Ўзбек поэмасида миллийлик масаласига ҳам катта этибор қаратилди. Масалан, М.Тожиёвнинг “Шоир севгиси” номли сўз устаси ва оркестр учун ёзган поэмаси Европага хос бўлган соната шакли анъаналарига бўйсунган бўлсада, миллийликни акс эттирувчи мақом куйларидан оқилона фойдаланилган. Айниқса, композиторнинг иқтибос сифатида “Сегоҳ” мумтоз куйининг чолғу йўлидан фойдаланганлиги поэмага ўзига хослик хусусиятини берган.

С.Юдаковнинг “Хорезмское праздничное шествие” номли асарини ҳам поэма жанрига киритиш мумкин. Бу асар соната шаклининг қонуниятлари асосида ёзилмаган бўлса-да, (пьеса уч қисмли мураккаб шаклда ёзилган) воқеалар ривожига, образлар орасига тафовут, ривожловга кучли интилиши, музикавий колоритнинг ёрқинлиги асарга поэма жанрининг хусусиятларини беради.

Ўзбек симфонизмининг яна бир ёрқин намуналаридан бири – И.Акбаровнинг “Шоир хотирасига” номли поэмаси. Ушбу асар ўзбек маданиятининг ривожига катта ҳисса қўшган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий хотирасига бағишланган.

У.Мусаёвнинг “Тантана” номли поэмаси карнай садолари остида тантали равишда бошланиши музикавий асарга ёрқинлик бериб, миллий колоритни ўзида акс эттиради. Бу поэмада ўзбек миллий байрамлари, тўй-томошалари асарнинг бошидан оқ яққол намоён бўлади.

Поэма жанри кўпқиррали ва фаол тарзда ривожлана бошланди. Тузилиш, характер, образ жиҳатидан бу жанр вақт ўтгани сари янада сайқаллашиб борди. Бу айниқса, турли вақтларда яратилган бўлса-да, бир-бирига яқин бўлган мавзуйлик таққосламасида яққол сезилади. Масалан, Д.Сайдаминованинг яратган (XX асрнинг 70-йиллари бошида) поэмаси “инсон ва табиат” мавзусига бағишланган ва соната шаклида ёзилган. Сайдаминованинг музикаси лирик туйғуларни акс эттирувчи характерга эгаллиги билан жуда қизиқ. Поэмада Она табиатимизнинг тимсоллари, шунингдек, мусаввир Ўрол Тансиқбоевнинг суратларидаги ғоят таъсирли Ўзбекистон табиати тасвирланади.

М.Маҳмудовнинг камер оркестр учун “Д.Д.Шостакович хотирасига” бағишланган поэмаси фуга қонуниятлари асосида ёзилган. Имитацион-полифоник шакл муаллифга Д.Шостакович услубини ифодалашда ҳамда ўзбек анъаналарида қандай аҳамиятга эгаллигини кўрсатишда имкон яратади. Маҳмудовнинг поэмаси классик фуга қирралари билан ўзига хос уйғунлашган, шунингдек, лад-интонация жиҳатидан ўзбек лирик куйлари асосида яратилган. Бундай мураккаб жанр-услубий муносабатлар ашула ҳамда чолғу музикасини бирлаштиради ва ўзига хос драматургик кўринишни ташкил қилади.

Ўзбек поэмасининг ривожига улкан ҳисса қўшган яна бир ёрқин композитор И.Ақбаровдир. Унинг флейта, торли оркестр, арфа ва литавра учун ёзилган “Поэма”си ҳамда “Ибн Сино” номли поэмалари ушбу жанрнинг шаклланишига катта ҳисса қўшди.

Ақбаровнинг “Флейта, торли оркестр, арфа ва литавра учун ёзилган поэма”си лирик-фалсафий характерда бўлиб, монотематизм асосида ривожлантирилган. Мавзунинг тузилиши - ўзбек миллий муסיқасига ҳос бўлган монодия услубида ёзилган лирик куйдан иборат бўлиб, усуллар жўшқин ҳаракатни ифодалайди. Асарда миллийликни янада кучлироқ акс эттириш учун мақомлардан самарали фойдаланилган.

Ўзбек муסיқасига ҳос бўлган асосий жиҳат - мавзунинг ёрқин ва куйчанлигидир. Ҳозирги кунда кўплаб самарали ижод қилаётган композиторлардан Ф.Янов-Яновский, М.Махмудов, М.Бафоев, Х.Рахимов, Ф.Алимов, А.Мансуров, А.Хошимов, Х.Хасанова, О.Абдуллаева, Ж.Шукуров ва бошқа кўплаб замондош композиторларнинг симфоник асарларида миллийликка алоҳида урғу берилади.

Замонавий муסיқа санъатининг энг қадимий ва эътиборга молик жанрларидан бири – бу камер-чолғу ансамблидир. Унда симфоник жанр сингари оддийдан тортиб, мураккаб, фалсафий, чуқур мазмундаги муסיқий асарларни ижро эта олиш имконияти мавжуд. Шу билан бирга, ансамбль муסיқаси ўзига ҳос шаклларга эга. Ҳозирги кунда камер ансамбллариининг аҳамияти ошган бўлса-да, жанрнинг моҳияти сақлаб қолинган.

Ўзбекистонда илгари камер чолғу муסיқаси жанрида сезиларли натижалар бўлмаган бўлса-да, айтиш мумкинки, ҳозирги кунда бу жанр энг ривожланган ва чўққисига эга бўлган паллададир. Камер муסיқаси интеллектуал салоҳиятни талаб қилувчи мураккаб жанр бўлиб, инсоннинг қалбини, ички дунёсини тасвирлашга қаратилган.

1904 йил Тошкентда симфоник ва камер муסיқаниннг ҳаваскорлари томонидан ансамбль тўгараги очилди. Камер муסיқасининг ижодий кечаларида дастлаб классик асарлар, хусусан, В.Моцартнинг торли кваттетлари ва Аренскийнинг квинтети ижро этилгани ҳақида маълумотлар қайд этилган.

Урушдан кейинги йилларда торли чолғулар учун кваттет жанри анча ривожланди. Дастлаб торли кваттет таркиби учун кичик ҳажмдаги пьесалар, сюиталар яратила бошлади. Ўзбекистонда камер-чолғу ансамбли опера ва симфоник муסיқа билан бир қаторда миллий ижодиётнинг қизиқарли, самарали ҳамда сермахсул соҳасига айланди. Ўзбек муסיқасида миллийликка катта урғу берилди.

Йиллар давомида ўзбек муסיқаси янада сайқаллашиб, ўзининг индивидуал хусусиятларига эга бўла бошлади. Квартет учун муסיқалар ёзиш фаол ривожланди. Айниқса, И.Акбаровнинг квартетлари ўзига хослиги билан эътиборни тортади. Унинг яратган квартетларида бевосита симфоник ижодиёт билан боғлиқликни кўриш мумкин. Композитор ушбу жанрда анча тажрибага эга бўлганлиги сабабли, унинг квартет учун ёзилган асарларида миллийлик руҳи яққол акс этади. И.Акбаровнинг камер-чолғу асарларида, яъни олтига торли квартетлари ва фортепиано учун ёзилган бир нечта пьесаларида миллий руҳни ҳис қилиш мумкин.

Шунингдек, камер-чолғу муסיқасида Б. Гиенконинг ҳам самарали фаолиятини айтиб ўтиш мумкин. У асосан классик намуналарга риоя қилган. Б.Гиенконинг квартет жанридаги илк тажрибаларига “Ўзбекистоннинг суратлари” муסיқий асарини киритиш мумкин. Ушбу асарнинг ғояси ўзбек шеърляти билан уйғунлашган. Туркумнинг барча қисмларида эпиграф сифатида Х.Олимжон (биринчи ва учинчи қисмларда) ва Миртемир (иккинчи қисм)нинг шеърларидан тўртликлар келтирилган. Муסיқада шеърлий мазмун умумлашган ҳолда намоён бўлади. “Ўзбекистоннинг суратлари” асарида Б.Гиенконинг ижодиётига хос бўлган ансамбль ёзувининг услубий қирраларини яъни, тафовутсиз драматургия, жанрнинг лирикага интилувчанлиги, ашула жанрига мурожаатни кўриш мумкин. Б.Гиенконинг камер-чолғу ансамбли учун яратган тўққизта торли квартет, иккита скрипка, альт, виолончель ва фортепиано чолғулари учун “Триптих” номли квинтетларида миллийлик хусусиятлари ўзининг тўлақонлик ифодасини топган. Ушбу асарларнинг ривожланиши, куйнинг ўзбекона характери, доира усулларидан самарали фойдаланганлиги муסיқий асарга янада жозиба бағишлайди.

XX асрнинг 30-йилларида Тошкентда Глазунов ва Комитас номидаги квартетлар оммалашди. Улар концертларда катта муваффақиятлар билан ижро этила бошланди. Ўзбекистоннинг профессионал ва ҳаваскор ансамблларининг репертуар дастури классик асарлар эди. Рус ва ҳориж муסיқасининг тарғиб этилиши миллий муסיқий маданиятнинг ўсишига туртки бўлди.

XX асрнинг 20-йиллаиг охири 30-йилларнинг бошларида камер ансамбль учун кўплаб асарлар яратила бошлади. Уларнинг муаллифлари К.Абдуллаев, В.Успенский, Д.Мацуцинлар эди.

1929 йили К. Абдуллаев торли квартет учун илк бор “Савти муножот” ва “Мухайяр” номли пьесаларини яратди. Композитор ўзининг тажрибаларида XX асрнинг 20-йиллардаги халқ куйларини қайта ишлаш билан шуғулланган.



“Савти муножот” мақомдан олинган парчанинг илк бор гармонизациялаш тажрибаси бўлган. Аниқроғи, торли квартетнинг овозларига бўлиб чиқилган. Бу пьеса ғамгин характердаги қадимий тўй маросимининг куйидан ташкил топган. Ўзбек халқида муножатнинг бир қанча вариантлари мавжуд – яъни ашула ва чолғу йўллари каби. Композитор чолғу йўлидаги вариантдан фойдаланган ҳолда, унинг лад-интонацион ва метроритм хусусиятларини сақлаб қолган. Муаллиф биринчи скрипканинг партиясини форшлаглар билан бойитади ва шу йўл билан халқ ижрочилик услубига яқинлаштиради.

Куй кварта-квинта ёки параллел кварта оҳангдошликлари билан гармонизациялаштирилганлиги сабабли, халқ чолғу мусиқасига хос бўлган кўповозлигини эслатади.

“Савти муножот”да полифоник фактурага урғу берилган. Лекин бу интонацияга қараганда, ритмик муносабатда кўпроқ намоён бўлади. Секста ва терциялар, шунингдек секунда-септима интерваллари жуда камдан-кам ҳолатларда учрайди. Улардан колористик эффе́ктларни кўрсатишдагина фойдаланилган.

К.Абдуллаевнинг “Мухайяр” пьесасига ҳам полифоник фактура, хусусан, имитация услуби жуда хос.

Ленинград консерваторияси мунтазам равишда Тошкентда симфоник ва камер мусиқаси кечаларини ўтказиб борган. Ауэр номидаги квартет катта муваффақиятлар билан нафақат классик, балки, Ўзбекистонда яратилган янги мусиқий асарларни ҳам ижро этишган. Улар жумласига Л. Штрейхернинг ўзбек мавзуларига асосланиб ёзилган “Пьеса” ва “Сюита”лар киради.

Камер мусиқасининг ривожланишида Тошкент Консерваториясининг композиторлик бўлими талабалари ҳам ўз ҳиссаларини кўшишган. Чолғу ансамбллари яратиш талабаларнинг курс ишига кирган. Улар орасида И.Акбаровнинг “Пьеса”, Ю.Николаевнинг “Анданте”, Б.Гиенконинг “Фуга” асарлари торли квартет таркиби учун ёзилган.

Бироз вақт ўтгач, квартет ўзбек мусиқасини тарғиб этиш ишларини бошлади. 1948 йилдан бошлаб квартет таркиби бир неча марта алмаша бошлаган.

Камер мусиқасини ривожлантиришда Г. Мушелнинг ҳам ўрни беқиёс. Айниқса, унинг ўзбек мавзулари асосида ёзилган скрипка, виолончель ва фортепиано учун “Беш пьеса”, М.Равель хотирасига бағишланган торли квартет ва фортепиано учун “Сюита” асарлари эътиборни тортади.

Энг аввало камер асарларда, айниқса, торли квартет учун ёзилган пьесаларда миллийликни акс эттириш, миллий колорит, жило, усуллар,

мақомлардан фойдаланилган ҳолда ўзбек муסיқасига кўплаб янгиликлар киритилди.

Европа ва рус муסיқасига хос бўлган усуллар пухта ўрганилиб чиқиб, сўнг олинган билим ва кўникмалар асосида миллий муסיқамизга синтез усуллари киритилди. Мақомлардан мавзу сифатида парчалар олиниб, ривожлантирилди. Европа чолғуларида ҳам миллий куйларимизни профессионал тарзда ижро этиш мумкинлигига замин яратилди.

Ҳозирги кунда ижод қилаётган кўплаб композиторлар томонидан камер асарларга, хусусан, торли кватрет учун кўплаб пьеса, сюиталар, кўшиқлар яратилмоқда. Ва бу самарали ижод махсули камер оркестр ижросида тез-тез янграшини кўришимиз мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Апраксина О.А. Методика музыкального воспитания в школе.—М.: 1983. — 124 с.
2. А.П. Парсегова. Анализ музыкальных произведений. Ташкент – “ILM ZIYO” – 2009.
3. А.Жабборов “Ўзбекистон бастакорлари ва муסיқашунослари” – Тошкент
4. Хасанов А. Народная музыка как средство нравственно-эстетического воспитания молодёжи. -Дисс. ... докт. пед. наук. —Т., 1989.- 339 с.
5. Гафурбеков Т.Б. Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984.
6. D. Abduraxmonova (2022). ЧОЛҒУАНСАМБЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ. Science and innovation, 1 (С7), 93-100. doi: 10.5281/zenodo.7256697
7. Mirzahid, B. (2022). THE LIFE AND WORK OF THE HONORED ARTIST OF UZBEKISTAN AND KARAKALPAKSTAN, PROFESSOR OTANAZAR MATYOKUBOV AND MUSICOLOGIST SVETLANA MATYOKUBOVA. Gospodarka i Innowacje., 25, 35-38.
8. Абдурахмонова, Дилнозахон Обиджановна (2022). МУСИҚА АНСАМБЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (10-2), 510-521.
9. Музыкальный энциклопедический словарь. М., 1990 -144 с. 1996.
10. Г. Благодатов. История симфонического оркестра. Ленинград 1969.